O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
QO‘SHKO‘PIR TUMANI HOKIMINING

# QARORI

2022 - yil 7 - mart 77-12-172-Q/22 Qo‘shko‘pir tuman hokimligi

**Қўшкўпир тумани ҳудудидаги мактаблар олдидаги автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тегишли йўл белгиларини ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида**

Қўшкўпир туманида мактаб ўқувчиларини мактаб олдида йўлда ҳаракатланишида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳамда туман ички ишлар бўлими бошлиғининг 22.02.2022 йилдаги туман ҳокими номига туман ҳудудида йўл бўйида жойлашган мактаблар олдига 3.24 “Юқори тезлик чегараланган” 30 км/соат, 50 км/соат ва 1.21 “Болалар” йўл белгилари ўрнатиш ва тирбандликларни олдини олиш мақсадида 4р165 автомобиль йўлининг 15 километри, Ш.Рашидов кўчасида 5.14 “Енгил таксилар тўхтаб туриш жойи” йўл белгиси ўрнатиш бўйича 829-сонли таклифини кўриб чиқиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги *(Ўзбекистон Республикаси олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда),* “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги *(Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда)* Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги *(Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2010 й., 32-сон, 270-модда)* 169-сонли Қарорига асосан туман ҳудудидаги мактаб ва мактабгача таълим муассасалари олдидаги автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Қўшкўпир тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг туман ҳокими номига, 22.02.2022 йилдаги туман ҳудудида йўл бўйида жойлашган мактаблар олдига 3.24 “Юқори тезлик чегараланган” 30 км/соат, 50 км/соат ва 1.21 “Болалар” йўл белгилари ўрнатиш ва туман марказида тирбандликларни олдини олиш мақсадида 4р165 автомобиль йўлининг 15 километри, Ш.Рашидов кўчасида (туман Почта бўлими биноси олдида) 5.14 “Енгил таксилар тўхтаб туриш жойи” йўл белгиси ўрнатиш бўйича 829-сонли ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида тегишли йўл белгиларини ўрнатиш юзасидан ёзган таклифи қаноатлантирилсин.

2. Қўшкўпир тумани ҳудудида йўл бўйида жойлашган мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари олдига 3.24 “Юқори тезлик чегараланган” 30 км/соат, 50 км/соат ва 1.21 “Болалар” йўл белгилари ўрнатиш ва туман марказида тирбандликларни олдини олиш мақсадида 4р165 автомобиль йўлининг 15 километри, Ш.Рашидов кўчасида (*туман Почта бўлими биноси олдида*) 5.14 “Енгил таксилар тўхтаб туриш жойи” йўл белгиси ўрнатилишига рухсат берилсин.

3. Қўшкупир туман Кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

4. Ушбу қарор туман ҳокимлигининг расмий веб-сайти ва “Ҳаёт кўзгуси” газетасида эълон қилинсин.

5. Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси раҳбари (Д.Сапаевга) ва туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи (Ю.Маткаримов)лар ушбу қарорда кўзда тутилган йўл белгиларини белгиланган жойларга ўрнатиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Р.Матёқубов зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими** **Ж.Рахимов**